

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 12 март пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 53 (1834)


## ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМ



Вазирлар Маҳкамасида 11 март куни Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий, энг севимли байрамидир. Уни ҳар бир инсон, ҳар бир оила орзиқиб кутади, деди Президент. Мамлакатимизда байрамлар кўп. Лекин Наврўзнинг таровати, шукуҳи ўзгача. У, аввало, табиатнинг уйғониш байрамидир. Баъзан ҳаёт ташвишлари билан бўлиб табиатга узвий боғлиқлигимизни унутиб қўямиз. Ваҳоланки, инсон табиатнинг энг олий маҳсулидир.

Наврўзнинг иккинчи хусусияти у бизнинг миллий байрамимиздир. Ота-боболаримиз минг йиллардан буён Наврўзни шодлик ва бахт айёми сифатида нишонлаб келади. Наврўз миллий қадриятларимиз мужассамлашган, миллатимизга хос ва мос байрамдир.

Баъзан Наврўзни динга қарама-қарши қўядилар. Наврўз диндан олдин пайдо бўлган. Унинг анъаналарида динга ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ.

Наврўз яшариш байрамидир. Табиат уйғонса, одамзод яшаради. Унинг кайфияти кўтарилиб, дунёқараши ўзгаради. Чунки у табиатдан куч олади.

Наврўз орзу-умидлар байрамидир. Баҳор бошланиши билан деҳқон ерга уруғ сочади, боғбон кўчат экиб, боғ барпо этади. Буларнинг ҳаммаси унинг эртанги кун орзулари билан яшаётганидан, ҳаётнинг абадийлигидан далолатдир.

Наврўз меҳр-мурувват айёми. Инсон ҳамиша табиатга ошиқади. Чунки одамзод табиат қўйнида покланади, унда олижаноблик, меҳрибонлик хислатлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Наврўзда кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одатига айланган. Бу ишда саховатпеша, савобталаб ишбилармонлар барчага ўрнак бўлиши керак.

Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган, ўзига хос яна бир жиҳати — мафкурадан, сиёсатдан ҳоли умумхалқ байрам эканлигидир. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Токи биз тантаналардан одамлар юракда бор туйғуларини юзага чиқаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намойиш эта олишларига имконият яратиб берайлик.

Ислом Каримов Наврўз байрамига тайёргарлик ишларининг бориши билан қизиқди. Байрам арафасида ҳовли-жойларни, кўчаларни, маҳаллаларни тозалаш, ободонлаштириш қишлоғу шаҳарларимизга ўзгача файз бағишлайди. Бу борада маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари бош-қош бўлиши, ҳашарга чиққанларга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

Президент Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтадиган байрам дастурига тўхталиб, унда санъатимизнинг барча ўзига хос томонлари акс этиши зарурлигини таъкидлади. Мумтоз куй ва қўшиқлар, дорбозлар, полвонлар, масхарабозларнинг чиқишлари билан бирга, миллий эстрадага ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

"Алпомиш" достонининг минг йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Халқ оғзаки ижодининг ўлмас намунаси бўлган бу достон бевосита Наврўз билан боғлиқдир. Унда ҳам халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи-ю, миллий анъаналари акс этган. Алпомиш-келбат алп йигитлар, Барчиной сингари гўзал ва дилбар қизлар макони бўлган Ўзбекистонда Наврўз ўзгача руҳ ва тантана билан ўтишига шубҳа йўқ.

Наврўз бир кунлик байрам эмас. У уйғониш, яшариш, орзу-умидлар рамзи экан шаҳар ва қишлоқларда, овулу яйловларда баҳор бўйи давом этади. Уни миллати ва элати, дини ва эътиқодидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси кенг нишонлайди. Наврўз анъаналарида миллий қадриятлар билан бирга, умуминсоний қадриятлар ҳам мужассамлашган. Қадимда бу қутлуғ кунларда урушлар тўхтатилган, ўзаро низолар барҳам топган. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари Наврўзни ўзгача орзу, ўзгача интиқлик билан кутади.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрами томошасининг сценарий муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, байрамнинг бош режиссёри Р. Ҳамидов, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, "Ўзбексавдо" ҳиссадорлик компанияси раиси З. Файзиев, Ички ишлар вазири З. Алматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов байрамга тайёргарлик ва уни кўнгилдагидек ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот бердилар, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Наврўз муносабати билан Миллий боғда меҳнаткашлар учун 3200 жой ҳозирланди. Байрам кунлари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Хадра, Улуғбек, Халқлар Дўстлиги, Алишер Навоий номидаги театр майдонларида, Амир Темур хиёбони, Сайлгоҳ кўчаси, Сергели дам олиш маскани ва бошқа жойларда ҳам Наврўз шодиёналари бўлиб ўтади. Сумалак ва ҳалим пиширилади, савдо кўргазмалари ташкил этилади.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА:** мажлис пайти.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ** суратга олган.

---

**СОАТ МИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ**

**ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ**

● **ЭШИТДИНГИЗМИ?**

### ПАРИЖДАН ТОШКЕНТГАЧА 7,5 СОАТ

*— 7 март куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори муовини М. Муҳитдинов бошчилигидаги делегация жаҳоннинг йирик авиакомпанияларидан бири «Эр Франс» ҳамда Франция Республикаси авиация маъмурияти билан шу йилнинг июнь ойидан бошлаб Тошкент билан Париж ўртасида ҳаво йўлини очиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади, — деб хабар беради «Жаҳон» АА мухбири Жўра Деҳқонов.*

*— Дастлаб рейслар ҳафтасида бир марта амалга оширилади. Келажакда эса янги йўналиш ўрганиб чиқилиб, уларнинг сони кўпайтирилиши мўлжалланмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» мутахассисларининг фикрича, энг қулай йўл ҳозирда мавжуд Тошкент-Франкфурт-Тошкент йўналишининг Парижгача узайтирилишидир. Парижнинг «Шарль де Голь» аэропортидан учган самолёт эса тўппа-тўғри Тошкентга қараб йўл олади, учиш вақти 7,5 соатни ташкил этади.*

● **НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР**

### 100 ЁШЛИ МОМОНИНГ ЯЛЛАСИ

*— Андижонда ғаройиб танлов ўтказилди, — деб хабар қилди ўз мухбиримиз Одилжон Шодмоналиев.— Вилоят маданият ишлари бошқармаси ташкил этган «Наврўз ялласи» кўрик-танловининг эътиборли жиҳати, унда халқимизнинг азалий ўлмас удумлари, ўйин-кулгулари намойиш этилди.*

*Айниқса, Булоқбоши туманидаги Чақар қишлоғида истиқомат қилувчи юз ёшли Меҳри момо Холиқова театрлаштирилган томошаларда асл ўзбекона аллалар айтиб ҳаммани лол қолдирди. Олтинкўл, Балиқчи, Избоскан ва Шаҳрихон туманларидан келган иқтидорли ҳаваскорлар ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар. Халқона ўйинлар, ичакузди ҳангома-ю, аскиялар ҳамманинг кўнглига баҳорий хуш кайфият бағишлади.*

● **ҚУЛАЙЛИК**

### ЖИЗЗАХЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

*Жиззахда мустақилигимизнинг олти йиллик байрами арафасида троллейбус йўналиши очилган эди.Аслида бу энг қулай транспорт воситасидан ҳамма , айниқса, талабалар баҳраманд бўлиб келишаётган эди. Чунки бу маршрут икки олий ўқув юрти, етти техникум ҳамда бир неча лицей ва гимназиялар ёнгинасидан ўтарди-да.*

*Вилоят ҳокимлиги эл-улус эҳтиёжи янада ортганлигини ҳисобга олиб, троллейбус йўлини қарийб беш чақиримга узайтириш учун маблағ ажратди. Насиб этса, Наврўз арафасида бу йўналиш ҳам ишга туширилади.*

**Сувон МАРДИЕВ.**

● **БОЖХОНАДА**

### ШУБҲАЛИ МАШИНА

*Фарғона вилояти божхона бошқармасининг 5-сонли «Андархон» маскани Бешариқ туманидаги Андархон қишлоғининг 376-сонли Қўқон-Жиззах автомобиль йўлининг 40-километрида жойлашган. Яна икки чақиримдан сўнг Тожикистоннинг Конибодом тумани бошланади.*

*Асосий йўлдан ташқари божхона назорати ўрнатилмаган айланма йўллар мавжудлиги божхоначилардан ўта синчковлик ва сезгирлик талаб қилади. Чунки кўпинча қоидабузарлар ноқонуний молларни олиб чиқиб кетиш учун ҳужжатларни қалбакилаштириш билан бирга, айнан айланма йўлни танлайдилар.*

*Бу сафар ҳам шундай бўлди. Маскан бошлиғи Акбар Эшонқуловда айланма йўл орқали Тожикистондан Ўзбекистонга кириб келаётган ЗИЛ-130 русумли, давлат белгиси 14-19 ЛБН автомашинаси шубҳа уйғотди, деб хабар қилади вилоят божхона бошқармаси матбуот гуруҳи бошлиғи Зайлобиддин Йигиталиев. Автомашина божхона назоратидан ўтказилганда, юкхонасида ҳар бирида 229 литрдан бўлган 20 та бочкада 4,5 тоннадан ортиқ спирт бор эди.*

*Тожикистон Республикаси фуқароси Домулло Зайнуддинов ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Собир Раҳмонов ва Эркин Шукуровлар шунча спиртни ҳеч қандай ҳужжатсиз, божхона назоратини четлаб олиб кетишга уриниб, қонунни бузишди.*

*Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.*

**Телефонларимиз:** 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни *Норқобил ЖАЛИЛ* кузатди.

---

**ДОЛЗАРБ МУСОҲАБА**

## ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА МАСЪУЛИЯТ — ДАВР ТАЛАБИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда мамлакат иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида йўлбошчимиз Ислом Каримов чуқур таҳлилий маъруза қилди. Унда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган камчиликлар, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган муаммолар қаттиқ танқид қилинди, қатор бошқарув тармоқлари ва идораларда мавжуд нуқсонларни бартараф этишда ташаббус, мутасаддиларда масъулият ҳисси етишмаётганлиги таъкидланди. Жумладан, қонунчилик билан шуғулланувчи идоралардаги мавжуд жиддий нуқсонлар, хусусан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муаммога айланган — ишлаб чиқарувчи билан тузиладиган шартномавий муносабатларда ҳуқуқийликни таъминлаш бугунги талабга жавоб бермаётганлиги алоҳида қайд этилди.ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Сирожиддин МИРСАФОЕВ билан ўтказилган суҳбати шу мавзуда бўлди.**

**— Сирожиддин Мирсафоевич, аввало, шартнома, уни тузиш ва унинг иқтисодий тараққиётдаги ўрни ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Таъкидлаш жоизки, жамият тараққиётида шартнома, битим, келишув каби ҳуқуқий муносабатлар инсоният турмуш тарзининг деярли барча жараёнларида муҳим роль ўйнаб келган ва ўзини оқлаган йўлдир.

Айниқса, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш, хомашё ва товар етказиб бериш, олди-сотди жараёнларида мулкий муносабатларни тартиб билан амалга оширишда унинг ўрни беқиёсдир. Соддароқ айтганда, ишлаб чиқаришда пала-партишлик, кимга, қаерда, қачон, қанча миқдорда ва қайси тур маҳсулот (товар, хизмат тури каби) ишлаб чиқариш, етказиб бериш, олиш, сотиш ва бошқа жараёнларда "куйиб" қолмасликнинг олдини олишнинг ягона йўли — шартнома усулини қўллашдир. Унинг моҳияти ана шунда ифодаланади.

Давлатимиз раҳбари жамиятимизни, биринчи галда иқтисодий соҳани ҳуқуқий бошқариш механизмини яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг машҳур беш тамойилидан биринчиси ҳам иқтисод, халқ тили билан айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат деган тамойилдир. Маъмурий-буйруқбозлик замонаси республикамиз иқтисодиётини нақадар хароб қилган сиёсати асоратларидан қутулиш учун бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш зарур эди. Бунда шартномавий муносабатларни янгича, жамиятимизга мос ва хос тарзда йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи — товар ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи муносабатларини иқтисодий-шартномавий механизмларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, давлатни, халқни боқадиган, "қорнини тўқ, устини бут" қиладиган қишлоқ хўжалиги соҳасини...

(Давоми 2-бетда).

---

**КЎКЛАМ НАФАСИ**

## СЕНИ АТАМИШЛАР УЙҒОНИШ ФАСЛИ...

* **Сурхондарёда дарахт куртак чиқармоқда**
* **Ўртачўлда янги ерлар ўзлаштирилмоқда**
* **Деҳқончиликнинг баракаси бўлади бу йил**
* **Шукрона**



Бу йил баҳор ҳақиқатан ҳам соғинтирди. Бундан уч-тўрт кун аввал қуёш чарақлаб турган эди. Зарафшон воҳасига бордик, бир маҳал тунд булутлар осмонда кезиндию ёмғир ёға бошлади, кечга бориб қорга айланди. Биз билмас эканмиз, ой ораси, деди кексалар, агар ҳозир совуқ забтига олса, қўйлар қирилиб кетади. Чунки майса қор остида қолди, бу ёқда қўзилатиш палласи бошланди...

Йўқ, Худо ярлақиб, эртаси кун ҳаво очилиб кетди. Кўпни кўрган кишиларнинг димоғи чоғ: — Деҳқончиликнинг йили бўлади бу йил! — дейишади.

Биз ўша кун Қизилтепа туманига қарашли Ўртачўлдаги хўжаликларни айландик, хийла жанубда жойлашгани учунми, тоғ этаклари яшил тусга кира бошлаган.

Бундан ўн йилча муқаддам Ўртачўлга келиб ишлаётган кишиларнинг аксарияти, ҳали у, ҳали бу сабабга кўра келиб қолишган. Ҳозир... кимдир ариқ ва зовурларни тозаламоқда, кимдир аравадан ўғит тушираётир. Тоғ этагида киприкдай тизилган бодомзор, бир ёнда янги очилган ерлар...

— Ўртачўлга газ олиб келдик! — дейди туман ҳокими Турсунпўлат Фатуллаев. — Айни кунларда иккита экскаватор ўн беш километр зовурни тозалади. Иккита бульдозер, иккита скрепер кечаю кундуз узлуксиз ишлаяпти. Янги ўзлаштирилган 22 гектар ер экин экишга шайлаб қўйилди. Эрта-индин кўчат экишга киришиш ниятидамиз. Беш минг терак қаламчаси, беш минг жийда, уч минг қайрағоч, бодом ниҳоллари олиб келганмиз...

Деҳқон ҳаёти шундай — у совуқни совуқ, иссиқни иссиқ деб қараб ўтирмайди. Ўша — қорли-қировли кунларда янги ерлар ўзлаштирилган, бугун шу ерларга кўчат экилади, эрта бир кун у ноз-неъмат билан дастурхонимизга файз киритади...

Азал-азалдан шундай: бизнинг ота-боболаримиз ҳам баҳорни алоҳида бир мамнуният билан кутиб олган. Кимдир уни ял-ял ёниб келаётган келинчакка қиёслайди. Кимдир баҳор — уйғониш фасли дейди. Баҳор оламга яшиллик тароват бағишлайди. Дунё қайтадан бино бўлгандек туюлади. У туйғуларни ҳам яшартириб юборади.

«Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган», дейди Абу Райҳон Беруний. Қадимий манбаларда айтилишича, милоддан аввалги олтинчи асрда ҳам Наврўз байрами анъанавий тарзда нишонланган. Баҳор байрамида кишилар бир-бирига ширинликлар, гуллар ҳадя этган, яъни бу билан умрингиз шундай ширин, шундай файзли бўлсин, дея тилак билдиришган. Халқимизнинг табиатидаги энг дилбар фазилатлар айнан шу байрамда тўла-тўкис намоён бўлади: олижаноблик ҳам, меҳр-оқибат ҳам, бағрикенглик ҳам, яратувчилик ҳам...

«Сиз Наврўзни қандай қаршилаяпсиз?» — шу савол билан пойтахтимиз хиёбонларида юртдошларимизга мурожаат қилдик. Қатрада қуёш акс этгани каби уларнинг жавобларида ўзбек тупроғида умргузаронлик қилаётган замондошларимиз қалби намоён бўлди.

— Халқимизда шундай удум бор, — дейди Зафаробод туманидан келган Қаршибой ота Ҳимматов, — агар янги мавсумда бирор неъмат илк бор тановул қилинса, «омонлик-сомонлик, сира кўрмайлик ёмонлик» деган эзгу калом кўнгилдан ўтказилади. Биз яқинда исмалоқдан қилинган сомса дастурхонга қўйилганда бутун оиламиз билан шу сўзни айтдик. Яна бир гап. Яхши ниятлар билан маҳалламизда буғдой кўкартиряпмиз, Наврўзга ўтар кечаси сумалак тайёрлашга аҳд қилдик.

Қашқадарёнинг Чироқчи туманилик Ҳаким Нурматовни кайфияти чоғ ҳолда учратдик.

— Бу йил Худо хоҳласа ғалла мўл бўлади, — дейди у қувонч билан. — Ер намга тўйди, ниҳоллар баравж ўсмоқда. Наврўзни биз қирадирлар, ям-яшил яйловлар бағрида ўтказамиз. Зотан, бу байрамни табиатдан ҳоли тасаввур этиб бўлмайди.

— Болалигим ҳозирги Ўзбекистон Миллий боғи атрофларида ўтган, — дейди тошкентлик нафақахўр Азизхон ота Икромов. — Ҳар гал шу жойга қадам қўйганимда руҳимни қувонч ва фахр туйғулари чулғайди. Йўқ, фақат болалик давримни эслаганим учун эмас. Мустақиллик йилларида мана шу жойлар йўлбошчимиз ташаббуси билан қанчалик файзли масканга айлангани мени тўлқинлантиради. Бу манзара биз, кексаларни ҳам ғайратлантиради. Ана шундай кўтаринки кайфиятда байрамни кутиб оляпмиз. Мен гузарга чиққанда ёш-яланга айтаман: «Шундай ёруғ кунларга етказганга шукр!».

Азалий анъаналаримиз, асл қадриятларимизни намоён этувчи бу айём ҳар хонадонга, ҳар кўнгилга эзгулик уруғини сепади. Дов-дарахтларда барг ёзаётган куртаклар қалбимизда ҳам янгиланиш, покланиш, уйғониш туйғуларини жўш урдиради. Юртимизнинг табаррук тупроғи узра кўклам ўз сепини ёя бошлади. Деҳқон даласига, боғбон ризқу насиба етиладиган боғига ошиқмоқда. Тинчлик, осойишталик барқарор юртимизга Наврўзи олам кириб келмоқда. Кўнгил кечинмаларига уйғун шоир байтлари хаёлдан кечади:

*Қизғалдоқ баргидек учар*
*дилдан ғам,*
*Тошқинлар киради*
*қалбимга маним.*
*Баҳоринг муборак*
*бўлсин ушбу дам,*
*Менинг Ўзбекистон —*
*дилбар Ватаним.*

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

---

**ТАНЛОВ**

## «НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ!»

Наврўз халқимизнинг энг қадимги ва миллий байрамларидан бири. Аждодларимиз асрлар оша нишонлаб келаётган бу қутлуғ айём гўзал баҳор фаслининг илк кунларида кенг байрам қилинади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Наврўз ҳамда Наврўз шодиёналарини телевидение, радио ва газета-журналларда кенг тарғиб қилиш, ёритиш мақсадида анъанавий «Наврўз — боқий байрам» танловини эълон қилади.

**Ғолибларни қуйидаги совринлар кутади:**

***Энг яхши таҳририят учун битта — энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида:***

**Энг яхши мақола учун:**

*1. **Биринчи мукофот** (битта) — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида:*

*2. **Иккинчи мукофот** (иккита) — энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдорида:*

*3. **Учинчи мукофот** (учта) — энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида.*

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар 1998 йил 1 майгача Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасига топширилиши лозим.

*Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 37-хона, телефон: 144-69-65, 144-37-87.*

